




Тошкент Оқшом

Газета 1966 йил 1 июлдан
чиқа бошлаган

Шаҳар ижтимоий-
сиёсий газетаси

№ 56 (9.095)


1998 йил

15 май, жума

Сотувда эркин нархда

ИНСОН ХОТИРАСИ — МУҚАДДАС

Мамлакатимиз Президентини Ислам Каримовнинг 9 Май — Ғалаба кунини уруш қурбонлари хотирасига эҳтиром қўйсатгандан сўнг журналистлар билан мулоқотда 9 Майни — Хотира кунини деб белгилаш, «Номаълум аскар» қабри атрофини Хотира хиббонига айлантириш, Тошкентда Хотира майдонини ташкил этиш ташаббусини илгари сургандилари республикамизнинг барча меҳнаткашлари катори пойтахт ахли қалбида ҳам катта акс садо уйғотди. Шу кунларда «Тошкент оқшом» газетаси тахририятига келадиган мактубларда, тошкентликларнинг телефон орқали билдирган мулоҳазаларида давлатимиз раҳбарининг ана шу жуда ҳам савобли ташаббуслари кенг қўллаб-қувватланмоқда. Қуйида ана шундай ҳамшаҳарларимиздан айримларининг дил сўзларини муштарийлар эътиборига ҳавола қилмоқдамиз.



● Мухомбек Тўраев, Собир Раҳимов туманидаги Истиқлол маҳалласининг оқсоқоли, иккинчи жаҳон уруши фахрийси:

— Ҳар галгидек 9 Май — Ғалаба кунини маҳалламизда юмушлар сөрөб бўлади, фашизмга қарши жангларда ҳалок бўлган маҳалладошларимиз хотирасига ўрнатилган ёдгорлик лавҳаси пойига анвойи гуллар қўйиб, уларнинг хотирасини яна бир бор чуқур эҳтиром билан эсладик. Кечкурун барча юмушлардан бўшагач, одатим бўйича телевизор қаршисига ўтирдим. Ва тўққизилангичдан кўзларимдан ёш чиқиб кетди. Бунинг боиси мўҳтарам Президентимиз Ислам Каримовнинг «Номаълум аскар» қабрини ва «Мотасаро она» меъморини ёдгорлигини зиёрат қилиб, у ерда уруш фахрийлари билан дилдан суҳбатлашгани ва фашизмга қарши жангларда ҳалок бўлган юртдошларимизнинг хотирасини абадийлаштириш бўйича ниятда олиёйғон ва ижобий тақлифларни изҳор қилганликлари бўлди. Йўлбошчимизнинг ҳар қандай оддий инсон қалбига тез ётиб борадиган самимий ва таъсирчан сўзлари меннинг қалбимда ҳам ўчмас акс садо уйғотди.

Иккинчи жаҳон урушида халқимиз унинг барча даҳшатини татиб, жабуру жафосини тортди. Бевосита жангларда бир ярим миллион юртдошимиз жон олиб, жон берди, бутун ўзбек халқи фронтга йиғлаб, фронтга яшади. 450 мингдан кўпроқ ўзбек ўғлини жанг майдонидан қайтиб келмади. Жасорат қўрсатган, қурбонлар берган халқни ёлдам биз тирикларнинг бурчидир. Президентимиз ҳаммамизнинг дилимиздаги гапни айтиб, 9 Майни — Хотира кунини деб эълон қилсак, шу кунини урушда қурбон бўлган юртдошларимизни эсласак, деган тақлифни айтдилар. Йўлбошчимизнинг мана шу ташаббусларини иккинчи жаҳон урушининг бир фахрийси сифатида мен ҳам тўла қўллаб-қувватлайман.

Ортбошимизнинг Тошкентда Хотира майдонини ташкил этиш, унда Қорақалпоғистон, республикамизнинг ҳамма вилоятлари ва Тошкент шаҳри ўз қаҳрамонлари хотирасига ёдгорлик ўрнатиши тўғрисидаги билдирган ажойиб фикрлари ҳам ҳар қандай таъсирчан бўлади. Йўлбошчимизнинг бу тақлифлари қалбимда олов ёққандай бўлди.

● Саидсирорхожи САИДУМХОТРОХИЕВ, Ўзбекистон Бадий академиясининг аъзоси, «Саидсирорасал» фирмасининг директори:

Ҳа, мунгли ҳолатни қўриб, мустақил Ватанимизда эмин-эркин яшаб, ижод қилаётганимга минг бор шукроналар айтдим. Дилимдаги ушбу сўзларни айтган эканман, ҳаёлим беихтиёр иккинчи жаҳон уруш йилларида ўз она юрти деб жанг қилган ва шайхид кетган довурак ўзбек фарзандларини кўз олдимга келтираман. Уларни фронтга кузатаётган пайтда ота-оналари «Ой бориб, омон қайтгин!» дея

оқ фотиҳа берганликлари замирида қанчадан-қанча маъно бор эди. Бу — яна ўз бағримизга, ўз юртимизга эсон-омон қайтиш сenga насиб этсин деган маънони билдирар эди. Лекин уруш қурбониси бўлмаганидек, 450 мингдан кўпроқ ўзбек ўғлини жанг майдонидан қайтиб келмади. Уларни хотирлаш, 9 Майни — Хотира кунини деб қўйиб, мамлакатимиз пойтахти Тошкентда Қорақалпоғистон, вилоятлар

● Шарофат ая ТОШМУХАМЕДОВА, Шайхонтоҳур туманидаги «Белтепа» маҳалласида истиқомат қилувчи:

— Урушнинг тугаганига 53 йил ўтган бўлса-да, у қолдирган жароҳат ҳамон одамлар қалбига нинадек санчилади. Ёшим 80 дан ошган бўлса-да, мен ҳам бир ўзбек аёли сифатида ана шу муҳқим урушнинг аёллар бошига келтирган жабуру жафосининг жонли шохидиман — чолим раҳматли Каюм ота навқирон чоғида урушнинг бошидан охиригача жанг майдонларида жасорат қўрсатиб, она юртига, оиласи бағрига қайтиб келгунча қўлимда қолган тўнгич ўғлим Хусниддин билан озмунча кўз ёшларимни тўкмаганман, ахир.

Маҳалламизда бир онахон бўлардилар. Уларнинг яккаю ёлғиз ўғиллари урушга кетиб, қайтиб келмади. Бу онахон ақин-яқингача ҳам кўзларини эшикка нигорон тикиб, ана шу ёлғиз ўғиллари дийдорини қўриш илинжидеда яшаб, ҳаётдан армон билан кўз юмдилар. Эҳ-ҳе, шу онахонга ўхшаш армон билан ўтганлар озмунчами?

Ҳа, урушнинг тарих саҳифасига умрбод муҳрлашиб қолганлиги тоабд бўлсин. Лекин, урушдан эсон-омон қайтиб келиб, орамизда юрган юртимиз фарзандларининг қадрига ҳаммамиз этишимиз керак. Ана шу жиҳатдан олганда мўҳтарам йўлбошчимиз Ислам Каримовнинг 9 Май — Ғалаба кунини уруш қурбонларини хотирлаш муносабати билан ўтказилган тадбирларда айтган ҳар бир сўзларини дилимизда машъал ёққандек бўлди. Уларнинг иккинчи жаҳон урушида ўз жонини фидо қилганлар хотирасини абадийлаштирувчи обидалар ўрнатиш, тарихий мармар лавҳалар яратиш тўғрисида билдирган тақлифлари ҳар биримизнинг қалбимиздаги гаплардир.

Бизнинг халқимиз дунёдан ўтган одамлар хотирасини пок сақлашга айниқса ҳаракат қилади. Шундай экан, урушда қурбон бўлган юртимизнинг асл фарзандлари хотирасини кўз қорачигидек сақлаш биз тириклар олдида турган муқаддас ва шарафли вазифадир. Президентимизнинг 9 Майни — Хотира кунини деб эълон қилиш борасидаги тақлифлари шу жиҳати билан гоё аҳамиятга эгадир.

Суҳбатдош
Солиҳ ЕКУБОВ.

1998 — Ойла йили

МАҲАЛЛАГА СУВ КЕЛДИ

Пойтахтимизда Ойла йилида ҳар бир хонадоннинг тинчлиги ва фаровонлигини таъминлаш, оилаварнинг турмуш тарзини яхшилаш борасида кенг қўллаб-қувватлашга ошқоришмоқда. Ана шундай қувватли воқеалардан бири Шайхонтоҳур туманидаги «Кўкча» даҳасидаги кексақайиш мамнун этди.

Бу даҳанинг «Шарк» ва Бехзод номли маҳаллаларидаги мингдан ортиқ хонадонда яшовчи аҳоли учун яна бир қулайлик яратилди. Маҳаллаларда истиқомат қилувчиларни бир неча йилдан буён ичимлик сувининг таъминоти қийнаб келарди. Бугун уларнинг талаб ва эҳтиёжлари ҳисобга олиниб, бу маҳаллаларни сув билан тўла таъминлаш мақсадида соатига 320 кубометр босим орқали сув етказиб бера оладиган сув босимини қўтариб берувчи иншоот қуриб берилди. Қурилиш-тиклаш ишлари жуда қисқа — бир ярим ой давом этди. Шаҳаримиздаги «Сувсоз» трестининг таъмирлаш-қурилиш бошқармасининг 25 нафар ишчи-хизматчилари чинакамга жонбозлик қўрсатишди. Улар техника ва вақтдан унумли фойдаланиб тез ва сифатли меҳнат қилишди. Айниқса, Маҳмуд Муҳаммадқулов, Василий Черников, Исроил Исмоилов, Баҳодир Файзиев сингари қурувчилар зиммаларидаги вазифани

зиёда этиб бажариб аҳолини мамнун этишди.

Янги иншоотнинг очилиш маросимига қурувчилар, маҳалла фаоллари ва фахрийлари, туман раҳбарлари иштирок этишди. Туман ҳокими Абдуқайим Тўхтаев алвон лентани қирқар экан, «Сувсоз» трести мутахассиси ва қурувчиларга миннатдорчилик билдирди.

Халқимизда «Сув келтирган азиз» деган жуда топиб айтилган бир нақл бор, — дея гапирди Бехзод номли маҳалла фахрийси, кекса отахон Олтинбек Раппорбеков. — Шу сабабли биз ҳам маҳалла кексалари номидан қурувчиларга раҳматлар айтаямиз.

Бехзод номли ҳамда «Шарк» маҳаллалари оқсоқоллари ҳам хонадонлар ахли миннатдорчилигини ўз дил сўзлари билан изҳор этдилар.

Шарифа ИЛЁСОВА.

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги фуқаролар эътиборига шуни ҳавола этишни лозим топадики, Ўзбекистон Республикасининг тоғ олди ва тоғ ҳудудларида сел келиши, қор қўчиши хавфи ва туپроқ силжиши ҳоллари тўғрисида кўп марта огоҳлантиришларга қарамадан, фуқароларнинг гу-

дарёси яқинида бу туристик сафар иштирокчиларидан бирининг жасадини топди. Бошқа сафар иштирокчиларини қидириш давом этмоқда.

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Давлат гидрометеорология Бош бошқармаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Хавфли геологик жараёнларни кузатиш бўйича давлат хизмати республиканинг тегишли хизматлари ҳамда фуқаролар эътиборини яна бир марта шу йил май, июнь ойлари давомида тоғ ва тоғ олди ҳудудларида сел келиши ва қор қўчиши хавфи сақланиб туришига қаратади. Шу муносабат билан тоғ ва тоғ олди туманларига автотранспорт ва фуқароларнинг ўтишини келаш зарур. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги.

рух-гуруҳ бўлиб ва ёлғиз ҳолда хавфли жойларга бориши давом этмоқда ва бу ҳол фожия оқибатларга сабаб бўлмоқда.

Бунга Тошкент шаҳри ёш фуқароларининг 1998 йил 29 апрель кунини Катта Чимён — Полтахов тоғи йўналиши бўйлаб ўзбошимчилик билан сафарга чиққани мисол бўла олади. Бу гуруҳнинг қаердалиги тўғрисида ўша пайтдан буён ҳеч қандай хабар келмаган. Қидирув хизмати 1998 йил 8 май кунини Чотқол

Кўргазмапар

ҲАЁТ МАНЗАРАЛАРИ

Таниқли мусаввир, Ўзбекистон халқ расоми Раҳим Аҳмедовнинг мўйқаламда яратган асарлари нафақат мамлакатимизда, балки хорижий элларда ҳам маълум ва машҳурдир. У яратган асарлар ўз Ватани ва халқига бўлган чуқур меҳр-муҳаббат билан тўлиб-тошган. Унда миллий анъаналар бадий буюқларда ўзининг ёрқин ифодасини топган. Мусаввирнинг «Она ҳаёли», «Баҳор», «Қишлоқ қизи», «Халқ артисти Наби Раҳимов», «Тонг. Оналик» асарлари мўйқалам шинавандаларида айниқса, зўр таассурот қолдирган.

КЕЧА

Миср Араб Республикасининг Ўзбекистондаги элчиси доктор Мамдух Шавқий шафелигида элчихона қошидаги Фан ва таълим марказида таниқли мусаввир Раҳим Аҳмедовнинг шахсий кўргазмаси очилди. Кўргазмага ташриф буюрган мўйқалам асарлари шинавандалари мусаввир яратган ва кўргазмага қўйилган бири-биридан ранг-баранг асарларни мароқ билан томоша қилдилар.

(Ўз мухбиримиз).

«Ўзбекистон қўшиқ байрами»

ЭНГ ЯХШИ ИЖРОЧИЛАР АНИҚЛАНДИ

КЕЧА

Мухимий номидаси Ўзбек Давлат мусикали театрида «Ўзбекистон қўшиқ байрами» кўрик-танловининг шаҳар босқичи беллашувлари аяқланди.

Икки кун мобайнида бу ерда яхши анъанага айланиб қолган, бу сафар Мустақиллигимизнинг етти йиллигига бағишланган, Ватан, истиқлол шайнига битилган қўшиқлар кўрик-танловининг шаҳар босқичи 11 та туманида аяқланди. Биринчи босқичи қолибларини ўз маҳоратларини намойиш этдилар. Шаҳар кўрик-танловидан энг яхши деб топилган қўшиқлар ижро этилди, энг яхши хушовоз хонандалар ўз санъатларини кўрсатдилар.

Шаҳаримизнинг барча туманларидан келган қатнашчиларнинг маҳоратини одилона баҳолаш Тошкент Давлат консерваториясининг проректори, мусикашунос Карим Азимов бош-

чилигидаги ҳакамлар ҳайъати зиммасига юклатилган эди. Шунини айтиш керакки, улар ижро этилган ҳар бир қўшиққа одилона баҳо бердилар.

Шундай қилиб, ҳаммани ҳаяжонга солган дамлар ҳам етиб келди. Ҳакамлар ҳайъати акдиллик билан биринчи ўринни Шайхонтоҳур туманилик ўзининг хуш овози билан кўрик-танловда бор маҳоратини намойиш этган истеъдодли ёш қўшиқчи Илҳом Пармоновга берди.

Кўрик-танлов шаҳар босқичи қолибларига махсус мукофотлар тантанали равишда топширилди.

(Ўз мухбиримиз).

● («Ўзбекистон қўшиқ байрами» кўрик-танловининг шаҳар босқичи беллашувлари бағишланган батафсил суратли репортажнинг кейинги сонидеда ўқийсиз.)

БУГУНГИ КУН
НАФАСИ

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Президент Ислам Каримов 13 май кунини «Симон Визентал маркази» халқаро яхдудийлар ташкилотининг ташки алоқалар бўйича директори Шимон Самюэлс раҳбарлигидаги ушбу ташкилот делегациясини қабул қилди. 1977 йилда тузилган, дунёнинг турли мамлакатларида истиқомат қилаётган яхдудий миллатига мансуб 440 мингдан ортиқ кишини бирлаштирган ушбу ташкилотнинг асосий мақсади иккинчи жаҳон уруши йилларида инсониятга қарши жиноят содир этган ёки бунга қўмақлашган шахслар ҳақида маълумот тўплаш ва уларни ҳуқуқ-тартибот идораларига топширишдан иборатдир.

● Вазирлар Маҳкамаси «Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида» ҳамда «Ўзбекистон Республикасида ўрта махсус, касб-хунар таълимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» қарорлар қабул қилди.

● Бугундан эътиборан янги тахрирдаги «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритилди.

● Сурхондарёда ғўза шоналай бошлади.

● Корея Республикасининг 13 мингтадан кўпроқ компаниясини бирлаштирган, савдо ва сармоа қўйишни рағбатлантириш мақсадини кўзлаган АФТАК ташкилотининг савдо гуруҳи вакиллари Тошкентда семинар ўтказди. Улар республика амалий доиралари билан учрашиб, ўзаро ҳамкорлик истиқболларини ҳам аниқламоқдалар.

● «Алломини»нинг юрти — Бойсунда ушбу халқ достони яратилганлигининг 1000 йиллигига бағишлаб 25 гектар майдонда улкан бог барпо этилмоқда. Самарқандлик меъморлар лойиҳаларига кўра ушбу богда ёпиқ кураш ва концерт зали, Алломини ўтовлари, спорт ўйинлари учун майдонлар ҳамда бошқа иншоотлар барпо этилади.

● Бухородаги Қоровулбозор нефтни қайта ишлаш заводи ҳудудига деярли барча турдаги хизматлар қўрсатиладиган замонавий маиший хизмат уйи фойдаланишга топширилди.

● Самарқандда ойига 5 турда 320 тоннагача юқори сифатли макарон маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган Ўзбекистон — АҚШ қўшма корхонаси иш бошлади.

ЖАХОНДА

● Бугун Англиянинг Бирмингем шаҳрида Фарбинг тараққий этган 7 мамлакат — АҚШ, Канада, Буюк Британия, Германия, Франция, Япония, Италия ҳамда Россия давлат ва ҳукумат раҳбарларининг анъанавий йиллик олий даражадаги учрашуви бошланди. Уч кун давом этадиган бу учрашувда асосий эътибор Осиёда рўй берган молиявий танглик оқибатларини бартараф этиш, ишсизлик даражасини камайтириш, халқаро терроризмга қарши кураш ҳамда ядро қуролсизланиши масалаларига қаратилиши кўзланмоқда.

● Бугун Белградда Сербия Президенти Слободан Милошевич ҳамда ушбу республика таркибидеда Косово мухторияти аҳолисининг аксарият кўпчилигини ташкил этувчи албанлар етакчиси Иброҳим Ругова ўртасида бевосита музокаралар бошланиши керак. Маълумки, Сербия раҳбарияти ушбу музокараларни бошламаганилиги учун 10 майдан эътиборан собиқ Югославия бўйича алоқа гуруҳи — АҚШ, Европа Иттифоқи ва аъзо мамлакатлар ҳамда Россия Сербияга нисбатан иқтисодий жазо чораларини эълон қилган эди.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

● Иқтисодий ● Ижтимоий соҳа ● Маданият

● Ҳиндистон жаҳон ҳамжамиятининг кескин норозилигига қарамадан 13 май кунини Раҷатсхан штатидаги Похарама полигонидеда яна иккита ядро синовини ўтказди. Ҳиндистон маъмурлари бу билан «ядро синовларининг режалаштирилган ушбу туркуми тугаганилиги» маълум қилди.

● Покистон Бош вазирини Навоз Шариф шу ҳафтада Ҳиндистон бешта ядро синовини ўтказганига жавобан Покистон ҳам яқин орада ядро синовини ўтказиши тўғрисида баёнот берди.

● АҚШ Президенти Билл Клинтон Ҳиндистон ядро синовлари ўтказганилиги муносабати билан Америка бу давлатга нисбатан иқтисодий жазо чораларини қўллашнинг эълон қилди. ГФР ва Япония ҳам Ҳиндистонга иқтисодий ёрдам қўрсатиш дастурларини амалга оширишни тўхтатиб қўйдилар.

● Индонезияда молиявий танглик ҳамда нарх-наволар кескин ошиши муносабати билан бошланган студентлар галаёлини оммавий тартибсизликларга айланиб кетди. Ҳозир мамлакат пойтахти Жакартада дўконлар ва машиналарга ўт қўйилмоқда, талонгарчилик авжига чиқяпти. Исонга айланган бу галаёлилар сабабли Индонезия Президенти Сухарто ўзининг Мисрға ташрифини тўхтатиб, Жакартага қайтиб келди. Индонезиядаги нуфузли «Жакарта пост» газетаси эса халқ норозиси бўлса, Президент Сухарто истеъфога чиқишга тайёрлиги тўғрисида катта шов-шувга сабаб бўлган мақола эълон қилди.

● Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг янги ижроия котиби Борис Березовский кеча бир кунлик ташриф билан Тбилисидеда бўлиб, Грузия Президентини Эдуард Шеварднадзе билан МДҲ иқтисодий анжуманини ўтказиш билан боглиқ масалалар юзасидан музокаралар ўтказди.

ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ АБОНЕНЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Алоқа иншоотларини таъмирлаш бўйича режадаги профилактика ишлари амалга оширилиши муносабати билан

18 майдан 29 майгача
Бобур кўчасидаги 67-й, 6-корпусдан 12-корпусгача, 81-й, 1-корпусдан 6-корпусгача манзилда истиқомат қилувчи 54/55-АТС абонентларида, шунингдек,

18 майдан 30 майгача
Усмон Носир кўчасидаги 52-б/б, 69-а, 71-а, 73-йларда; Усмон Носир кўчасининг 1-шоҳқўчасидаги 3, 5, 7-йларда ва қисман Мухимий 1-тор кўчасидаги 8, 9, 14, 15, 16, 17, 23, 25-йларда, шунингдек Мухандис-техник ҳодимлар кўчасидаги 1-уйдан 8-уйгача манзилда истиқомат қилувчи 53-АТС абонентларида вақтинчалик алоқа бўлмайди.

Очик турдаги «To'xtash shahar telefon tarmoqi» ҳиссасдорлик жамияти.



1998 — Ойла йили

СОВГАГА — «ДАМАС»

Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси қошидаги Перинитал марказга «Дамас» микроавтобусини топшириш маросими бўлиб ўтди.

— Ойла йилида юртимиздаги ҳар бир корхона, ташкилот, қолаверса ҳар бир фуқаро ушбу йил таъабларига ўз ҳиссини қўшмоғи ҳам фарз, ҳам қарз, — деди машина топшириш маросимида «ЎзДЭУ» қўшма корхонасининг ички савдо департаменти директори Зиёд Каримов. — Шунга кўра биз ҳам ушбу тиббиёт масканига ихтисослаштирилган «Дамас» микроавтобусини топширяпмиз. У беморни ташиш, биринчи тез тиббий ёрдам кўрсатишга мослаштирилган.

Марказ шифокорлари, беморлар «ЎзДЭУ» қўшма корхонаси раҳбариятига ўз миннатдорчиликларини изҳор эттиди.

Абдураҳмонов.

КЕПАЖАК ОСТОНАСИДА

Собир Рахимов тумани ҳокимлигининг ташаббуси билан 2-мусиқа мактабида «Бахтли оила яратувчи қизлар» кўрик-танловининг якунловчи босқичи бўлиб ўтди.

Шуни айтиш керакки, бахтли оила қуришда қизларимизнинг маънавияти, маданий савияси, онгини ошириш, бағоят ёшга етаётган қизларимизда тикувчилик, пазандалик касбларига меҳр-муҳаббат уйғотиш, эстетик дидларини ўстириш ва жамоат орасида ўзларини қандай тутиш кераклигини ўргатиш мақсадида ташкил этилган ушбу танловнинг дастлабки босқичларида тумандаги деярли барча мактаб, билим юрлари, техникумлар ва касб-хунар мактаблари ўқувчилари иштирок этишди ҳамда улар ўзларини келаждаги ҳаётга тайёрлаш борасида малака, маҳоратларини оширишга муваффақ бўлишди.

Хал қилувчи беллашувда тумандаги ўрта мактаблар, билим юрти, техникум ва касб-хунар мактабларининг энг моҳир, билимдон, зукко ўқувчилари бўлиш савқисига қиз ўзларининг бутун куч-маҳоратларини намойиш этишди.

Шаҳримизда илк бор ўтказилган ушбу танловда барча шартларни қўйиллатиб адо этиб, 121 балл тўплаган Тошкент Давлат тиббиёт билим юртининг талабаси Дилноза Тожиева биринчи ўринни эгаллади. 6-касб-хунар мактаби ўқувчиси Умида Хужаева иккинчи, 22-мактаб ўқувчиси Севара Рафикова эса учинчи ўрин насиб этди.

Танлов гоилилари ва иштирокчиларига «Ўзэлектрораппарат» акциядорлик жамияти, «Заҳро» хусусий фирмаси томонидан ажратилган қимматбаҳо совғалар топширилди.

Дилшод ИСРОИЛОВ.

АЯ ТИПАГ

Сергели туманидаги Абдурахмон Жомий номи маҳаллада шу ерда яшовчи Турсунхон ая Исмаилованинг 103 ёшга тўлганлиги ҳамда Гажиноур Маннапов ва Фарход Ахмедов каби болаларнинг суннат тўйи тантана қилинди. Хатна қилинган болаларга пул қўйилган имтиёзли омонат дафтари берилди.

Тўй бошида турган Абдурахмон Жомий номи маҳалла оқсоқоли Эргаш Согитов Турсунхон аяга совғалар топширди. Турсунхон ая мустақиллигимиз учун ва барча юртдошларимиз унинг ёшига киришини тилаб дуога қўл очди.

Эркин ЭСИРГАДИЕВ.

Назм

ВАПАЛАН

Бор меҳрим сенга тутдим боғу бўстони Ватан,
Сен шараф-шоним, нурафшоним, гулистоним Ватан,
Лолазорим, мевазорим, жисм аро жоним Ватан,
Хам туғулган масканим, хам тоза видоним Ватан,
Яйрағай жоним мени сен бирла ҳар оним Ватан.

Шодлигимдан заъкибдан чўлларни обод айладим,
Нимжа қоқмай туғилган ишнинг-ла ижод айладим,
Ғам юкин тарк этиб, мен ўзини дилшод айладим,
Қаҳраб етган бу заминда боғини бунёд айладим,
Доимо ғамсиз ўтар сен бирла ҳар оним Ватан.

Турмушим бўлди фаровон, минг шукр, роҳатдаман,
Яхшилар яхши ишин кайд этгани хизматдаман,
Безгаразлик ҳислатин мадҳ этгани иззатдаман,
Ваъдабоз, ёлгончининг танқид этай гоятдаман,
Дилни хушнуд эттисен сен бирла ҳар оним Ватан.

Тоғбад эъозлайин халқим шарафли меҳнатинг
Топ камол, кўрма завоф бордир Рустамдай қудратинг,
Ез ҳақиқатин, мудоф фоз эт ёмонлик иллатин,
Элга ёйган сен Расулни, эла юртинг шукратин,
Дилни хушнуд эттисен сен бирла ҳар оним Ватан.

ЖАФОСИ БЎЛМАСА


Хар йиғитнинг ёри бўлсин, бевафоси бўлмасин,
Улғайиб ўссин жаҳонда ҳеч жафоси бўлмасин.
Яхшилик боғини сайр этсин, ҳавоси бўлмасин.
Совси бўлсин қалин норавоси бўлмасин.

Яхши одам меваси бол сингари лаззатлидир,
Эли оламда унинг ёруғ юзи иззатлидир,
Қайга борса сўзлари доно уни ҳикматлидир,
Одамийликдин ўзга бир мудоғоси бўлмасин.

Ота-она ҳурматини ҳар йиғит қилса бажо,
Зул юрт ичра уни таърифи бўлғайди расо,
Ким ёмонликдан қўрибдир дўстларим аҳду вафо,
Ору нуомали йиғит бўлсин, ҳатоси бўлмасин.

Мен Расулий ниятим пок, яхшиликка ҳо дилим,
Ширин сўзларни тўғишга доимо бурро тилим,
Шеърларим маъқул бўлиб қолса таърифлайдир элим,
Хар йиғитни дили пок бўлсин, қароси бўлмасин.

Султон РАСУЛИЙ.



Мирзо Улуғбек тумани ҳокимлиги ҳамда туман Товар ишлаб чиқарувчи-лар ва тадбиркорлар палатаси томонидан «Боғи Эрам» оромгоҳида «Маҳсулот — 98» савдо-кўргазмаси ташкил этилди. Кўргазмани ташкил этишдан мақсад йил давомида ишлаб чиқариладиган халқ истеъмолчи буюмларини талабга қараб кўпайтириш ва тадбиркорларнинг ўзаро бир-бирлари билан ҳамкорлигини кучайтиришдан иборат.

— Бозор иқтисодиёти шароитида узлуксиз ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчи бўлган ҳар қандай тадбиркор ёки ишбилармон шу куннинг талабидан келиб чиққан ҳолда иш тутати, — дейди туман Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси раҳбари Насрулло Абдувалиев. — Мана шуни эътиборга олиб, уч кун давом этган савдо-кўргазмада, фақат халқ истеъмолчи буюмлари намойиш этилди. Бунда 37 та йирик корхоналар, кичик ва ўрта бизнес билан шуғулланувчилар иштирок этишди. Ҳар бир иштирокчи ўз маҳсулотини намойиш қилиш билан бир қаторда, унинг ўз харидорларини ва буюртмачиларини топишга муваффақ бўлди.

— Кўргазмада асосий маҳсулотларимиздан ташқари 20 турдаги халқ истеъмолчи буюмлари билан ҳам иштирок этдик, — дейди «Эталон» ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишлаб чиқариш бўйича директор ўринбосари Вячеслав Федоров. — Биз кўпроқ буюртма асосида ишлаймиз. Кейинги вақтда МДХ давлатларидан ҳам ишлаб чиқараётган бензин

ИСТЕЪМОЛ БУЮМЛАРИ НАМОЙИШИ



ўлчагичи, тарози, тарози тошлари, термосларга буюртмалар тушди. Уни йил давомида амалга оширамиз. Шунингдек халқ талаби ўрганилиб чиқилиб, рўзғорда ишлатиладиган ликопчалар, кичкина ҳажмдаги тунги чирок ва бошқа шунга ўхшаш маҳсулотлар ишлаб чиқармоқдамиз. — «Ўзкур» ўзбек-турк қўшма корхонасида ишлаб чиқарилган совунларни ишлатиб кўрганмисиз? — дея ўз маҳсулоти билан таништириш бошлади қўшма корхона технологи Абдусайд Шохалилов. — Айни вақтда юртимиздаги дорихоналарда пайдо бўлаётган «Капила», «Отал» ва «Дёфне» совунлари ҳар томонлама шифобахшдир. Шу боисдан ҳам биз уларни инсон организмга фойдали томони — да-



тақал қилиб, операциянинг хизмат ҳақини куннинг биринчи ярмидаёқ шифохонага, ҳалиги жарроҳнинг ҳонасига келтиришди. Афсуски, бу вақтда уларнинг ўн тўрт ёшдаги ўғиллари ҳаёт билан видолашган эди. — Қотил, болагинамнинг қотили! Қасам ургур, сени фарзандимнинг хуни хонавайрон қилсин! Мана сенга 25 минг сўм пул! Ол, ол! — ота

қақчадир муҳлатда қайтариш шарти билан топиб келган пул бойламларини жарроҳнинг оғзи-бурни араш тикар, у эса оғзига толқон солгандек жим эди. — Йиғитча ҳаётдан кўз юммаслиги мумкин эди, унинг жонини сақлаб қолишга ҳалиги жарроҳнинг қурби етар, имконлари муҳайё турарди. Аммо у нафс деб аталган иллатнинг қулга айланган бир кимса эди. У беморнинг қариндош-уруғлари билан шартнома тузиб, сўнгра ишга киришадиган, ҳар бир гапида «мушук ҳам текинга офтобга чиқмаслигини» таъкидлаб турадиган бир нусха эди.

Ҳа, тамағирлик — ҳаётда учрайдиган энг ёмон иллатлардан бири. Бу иллат, айниқса тиббиёт ходимлари орасида кўпроқ учрашига ҳаммамиз гувоҳ бўлганмиз. Нега? Улар нега тама қилишади? Худди шу мавзуда гап оцсангиз, ойлик маошлари камлигини рўқач қилишади. Лекин мундоқ олганда, бу уларнинг мазкур иллатни бўйнига осиб олишларига имкон берадиган сабаб эмас-ку! Ахир улар шифокор бўлишдан аввал Гиппократ қасами

ни нега ичадилар? Ахир бу қасамнинг шартини — ҳар қандай вазиятда беморга ёрдам қилини қўйиш эмамы?

Шифохонада боласини олиб ётган аёлдан врач турмушу ўртоғи қаерда ишлашини сўради. «Нон комбинатида» деб жавоб қилди аёл. «Бўлмаса, бизга бир қоп ўн тўғрилаб бера оладими?» деб тама қилди ёшгина врач. Аёл индамади. Нима, ҳўжайини нон комбинатида ишласа, бир қоп уни унга текинга беришарканми? Аввало бу қонунга хилоф, қолаверса, агар комбинатдан бир қоп ўн берадиган бўлишса, у ўзларининг рўзгоридан ортармиди?

Врач ҳар қуни боласини кўраркан, аёл ҳар гал шундай савол қўршовида қоларди: «Бир қоп унинг илоҳи бўладими?». Охири бўлмади. «Бир қоп унинг баҳоси қанча бўлишини биласизми? Эримга бунди текки беришмайди-ку ахир! Тўғри, ҳар қуни икки буханка нон беришадил! Мени тўғри тушунинг, дўхтиржон! Ахир давлатнинг молини ўмариб келиб берайликми?»

Врач аёлда бўлган журъатдан лол қолди, индамади. Аслида бу унинг енгилгани, мулзам бўлгани эди, аммо у аёлининг боласини шифохонадан чиқараётган қуни барибир қўлига қаради. Аёл ҳам уни норози қилиб кетгиси келмай, қозога ўроқлик нимадир узатди, бу бир шишадан ароқ ва коньяк эди.

Тамағирлик — иллат. У нафақат иллат, балки кўпдан-кўп фожиага сабаб бўлувчи офат. Миннатдорлик эса — инсоний туйғу. Унинг замирида тамадан холи муносабат ётади.

Болалар врачининг уйдан одам аримайди. У бутун маҳалла-қўйнинг кори-халига ярайдиган шифокор. Ён-атрофда врачлар кўп, лекин одамлар уникига келишади. Чунки у ҳеч қимдан ўзининг шифокорлик бурчи эвазига бир нарсга таъма қилмайди. Миннатдорчиликнинг эса кети узилмайди...

Хулқар ТҲИМАНОВА.

Ажойиботлар

УСТА ТАҚЛИДЧИ

Тақлидчилик ҳам ўзи-га хос бир санъат. Ҳиндистоннинг Хайдаробод шаҳрида яшовчи актёр Ширинивас тақлиднинг устаси фарангларидан ҳисобланади. У дам олмайд 32 соат мобайнида 500 дан ортиқ томошабинга таниқли сиёсий арбобларнинг, кино юлдузларининг, машҳур кишиларнинг, қуш ва жониворларнинг овози ва характерли «қилиқлари»ни қўйилмақом қилиб ихро этиб, олқишларга сазовор бўлди.

КҮП

ГАПИРИШДА ЧЕМПИОН

Чилида истиқомат қилувчи доктор Мигель Анхел Наваррет агар кўп гапириш бўйича жаҳон биринчилиги ўтказилса, албатта биринчилиكنи олса керак. Томе шаҳри радиостанциясининг юбилейига бағишланган байрам эшиттиришида у тўхтамай 113 соату 7 дақиқа гапирди ва барча ҳамкасбларини лол қолдирди.

ҚАРСАКЧИ

Қарсақлар, албатта, маълум сабабларга кўра чалинади. Лекин Ҳиндистонда яшовчи банк хизматчиси Жаярам узок мuddат қарсақ чала олишини исботлаб, шухрат қозонмоқчи бўлди. У 67 соат давомида тинмай кафтини-кафтига уриб қарсақ чалди. Бу рекордчи-қарсақчини фақат шифокорларгина бу ишдан тўхтата олишди. Чунки бир-бирига урилаётган кафтлар шишиб, қон оқа бошлаган эди.

РЕКОРДЧИ ГИТАРАЧИЛАР

Перулик уч нафар йиғит гитара чалиш бўйича «қахрамон» бўлишди. Улар гитарда 55 соат куй ихро этишиб, томошабинларни лол қолдиришди. Фақатгина ҳар соатда 10 дақиқадан дам олишди, холос. Гитарачилар бу ҳолини узок давом эттиришлари мумкин эди, лекин уларни навбатчи шифокор бу ишдан тўхтатди. Чунки уларнинг бармоқлари қонга беланиб кетганди.

ХУШИДАН КЕТДИ

23 ёшли швед Свен Ларсен ўзича ажойиб воқеани уйлаб топмоқчи бўлди. У эрта тонгданок Стокгольм вокзалида поезддан тушаётган ва поездга чиқаётган одамлар билан қўл бериб сўрашини бошлади. Бу ҳол соат 16.00 гача давом этди.

Свен Ларсен тинмай тақорралаётган бу ҳаракати давомида 11.220 нафар йўловчи билан сўрашиб улгурди. Лекин 11.221чисига келганда у беҳосдан хушидан кетди.

АШАДДИЙ ПИВОХҲУР

Лондондаги пивохоналардан бирида ҳар йили шаҳарнинг ашаддий пивохўрини танлаш бўйича мусобақа уюштирилади. Танловнинг фахрий унвонига сазовор бўлганлардан бири Харриет Брукс исмли аёлдир. Унинг таъкидлашига кўра 18 ёшидан бошлаб кунига бир литрдан пиво истеъмол қила бошлаган ва унинг микдорини аста-секин ошира борган. Бу аёл 73 йил мобайнида тахминан 70 тоннадан ортиқ пиво ичганлиги маълум бўлди. Ана бунини «ғолиб»лик деса бўлади.

Дилноза ФИЕС қизи тайёрлади.

